

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, САМАРҚАНД
ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ, АНДИЖОН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 26.04.2018. Fi1.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

КИСЕЛЁВ ДМИТРИЙ АНАТОЛЬЕВИЧ

**ФРАНЦУЗ ТИЛИ МУСТАҚИЛ СЎЗ ТУРКУМЛАРИ
РЕПРЕЗЕНТАТИВ ФУНКЦИЯСИНИНГ
ДИСКУРСИВ-ПРАГМАТИК ЖИҲАТЛАРИ**

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
филологических наук (DSc)**

Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Киселёв Дмитрий Анатольевич

Француз тили мустақил сўз туркумлари репрезентатив функциясининг
дискурсив-прагматик жиҳатлари 3

Киселёв Дмитрий Анатольевич

Дискурсивно-прагматические аспекты репрезентативной функции
знаменательных частей речи французского языка 33

Kiselyov Dmitriy Anatolyevich

Discursive and pragmatic aspects of representative function of
categorematic words in the French language 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 68

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, САМАРҚАНД
ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ, АНДИЖОН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 26.04.2018. Fi1.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

КИСЕЛЁВ ДМИТРИЙ АНАТОЛЬЕВИЧ

**ФРАНЦУЗ ТИЛИ МУСТАҚИЛ СЎЗ ТУРКУМЛАРИ
РЕПРЕЗЕНТАТИВ ФУНКЦИЯСИНИНГ
ДИСКУРСИВ-ПРАГМАТИК ЖИҲАТЛАРИ**

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.DSc/Fil83 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.nuu.md.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Сафаров Шаҳриёр Сафарович

филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ашурова Деярам Умаровна

филология фанлари доктори, профессор

Алексеева Елена Альбертовна

филология фанлари доктори, профессор

Исламджанова Ҳазифахон

филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 26.04.2018.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400-уй. Тел: (99871) 246-65-24, e-mail: наука@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети, Хорижий филология факультети (1-қават, 112-аудитория).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871) 246-08-62; (99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги №___ рақамли реестр баённомаси).

А.Г.Шереметьева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Ш.О.Назирова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филол.ф.н., доцент

И.А.Сиддикова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигининг муҳим вазифаларидан бири матн яратиш ва нутқий фаолият жараёнида тил бирликларининг қўлланишидек мураккаб масалаларни изоҳлашга қодир янги ёндашувлар, таҳлил методларини излаш ва ишлаб чиқишдир. Лисоний бирликларнинг репрезентатив ёки анафорик функцияси нутқ равонлигини таъминлашда, пировардида, мазмуннинг адекват идрок этилиши ва талқин қилинишида муҳим ўрин тутди. Бу ҳолат анафорик бирликларни ўрганиш ва уларнинг дискурсив-прагматик қийматини очиб бериш замонавий тилшуносликнинг долзарб муаммолари қаторига киришини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, барча мустақил сўз туркумларига тегишли бўлган бирликларнинг анафорик функциясини тадқиқ этиш ҳамда нутқий фаолият жараёнида ушбу бирликларни қўллашнинг прагматик мақсад ва мўлжалини аниқлаштириш долзарб вазифалардан биридир.

Ҳозирги кунда дунё фанида тилшунослик соҳасидаги кўплаб етакчи илмий марказларнинг илмий-тадқиқот фаолияти нутқ бирликларининг функционал таркибини ўрганишга қаратилган. Тил ва нутқ фактлари когнитив, социолингвистик ва прагмалингвистик аспектларда ҳамда қиёсий-типология кесимда кўриб чиқилмоқда. Нутқ матнининг таркибий қисмларга ажратилиши ва сўзловчи (ёзувчи)нинг коммуникатив мақсади ҳамда нутқ орқали таъсир кўрсатиш ниятини амалга ошириши билан боғлиқ масалаларга, шунингдек, нутқни идрок қилиш учун тингловчи таянадиган стратегияларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, компьютер тилшунослиги ва табиий тилларни автоматик қайта ишлаш соҳасидаги назарий ва амалий тадқиқотлар доирасида матннинг таркибий қисмларини, биринчи навбатда, анафорик бирликларни автоматик усулда ажратиш ва тавсифлаш алгоритмлари ишлаб чиқилмоқда ва такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида назарий ва амалий тилшунослик соҳасида эришилган натижалардан хорижий тилларни ўрганишда амалий кўникмаларни такомиллаштиришнинг илмий асоси сифатида фойдаланиш тажрибаси шакллантирилди ҳамда лисоний бирликларнинг функционал жиҳатларини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Юқори малакали миллий кадрларни тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати доирасида хорижий тилларни ўрганувчиларнинг билим даражаси ва сифатини оширишга қаратилаётган алоҳида эътибор таълим тизимининг барча босқичларида кузатилмоқда. Зотан, биз узлуксиз равишда «ёшларимизга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқаришимиз керак»¹.

Ўзбекистон Республикаси билан Франция ўртасидаги муносабатларнинг сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилиши ўзаро ишончнинг ошиши ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг барқарор тенденцияси шаклланишини таъминлайди. Эришилган битимлар фан ва таълим соҳасида ҳамкорликнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 й. Электрон манзили <https://president.uz/uz/lists/view/2228>

янги истиқболлари ва йўналишларини очади. Хусусан, мулоқот самарадорлигини ошириш мақсадига эришиш учун нутқий фаолиятнинг дискурсив ва прагматик параметрларини чуқур ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-576-сон 2019 йил 29-октябрдаги «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида» Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20-апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5-июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохатларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29-апрелдаги ПФ-5712-сон «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11-августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаш-тириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологиялари тараққиётининг 1. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Француз тилида репрезентатив вазифа ва анафорик бирликларни ўрганиш бўйича дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида назарий ва амалий жиҳатдан олиб борилаётган тадқиқотларда муҳим илмий натижалар қўлга киритилган, шу жумладан: матн майдонида референт ва кореферент алоқаларнинг турлари аниқланган (Université de Stasbourg II, Франция), матннинг яхлитлиги ва когерентлигини таъминлашда анафорик алоқаларнинг роли очиб берилган (Université de Toulouse II, Франция), прономинал анафорани амалга ошириш механизмлари, шунингдек, дискурсив майдонда анафорик бирликларнинг фаоллашув шартлари белгиланган (Université de Rennes II, Франция), матнни автоматик қайта ишлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш доирасида анафорик бирликларнинг таснифи берилган (Institut National des Recherches en Informatique et Automatique,

² Шарҳ университетларнинг веб-сайтларидаги маълумотлар асосида тақдим этилди: www.unistra.fr, www.univ-tlse2.fr, www.univ-rennes2.fr, www.inria.fr, www.crisco.unicaen.fr, www.unil.ch, www.uclouvain.be, www.brown.edu, www.msu.ru, www.lingua.net

Франция), анафорик бирликларнинг контекстдаги иштирокини белгилаш механизмлари тавсия қилинган (лаборатория CRISCO, Université de Caen қошидаги Centre de Recherches Inter-langues sur la Signification en Contexte лабораторияси, Франция), матнни структур тузилиши ва сегментларга ажратиш тамойиллари аниқланган (Université de Lausanne, Швейцария), матн ва дискурснинг таҳлил услублари тавсия қилинган (Université de Louvain, Бельгия), жаҳон тилшунослигида анафорик бирликларни ўрганишнинг асосий йўналишлари ва даврлари аниқланган (Brown University, University of Colorado, АҚШ), анафорик бирлик референтини танлаш тамойиллари ишлаб чиқилган (Москва давлат университети, Россия), вербал ва новербал мулоқот шароитларида анафорик бирликни талқин қилиш усуллари аниқланган (Москва давлат лингвистик университети, Россия). Анафора ва у билан боғлиқ ҳодисаларнинг турли қирраларини ўрганиш Ўзбекистоннинг бир қатор университетларида амалга оширилмоқда³, хусусан, матннинг муайян турларини таҳлил қилиш моделлари ишлаб чиқилган (Ўзбекистон миллий университети), матн бирликларини талқин қилишнинг когнитив жиҳатлари аниқланган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети), сўз туркумларининг репрезентатив (анафорик) имкониятлари очиқ берилган (Самарқанд давлат чет тиллар институти).

Сўз туркумларининг репрезентатив (анафорик) функциясини ўрганиш доирасида устувор тадқиқотлар анафорик бирлик ва референт (антицедент)нинг ўзаро нисбати, уларнинг гап ичида ва гаплар орасида жойлашувини аниқлаш, анафора ва у билан боғлиқ ҳодисаларни фарқлаш, барча сўз туркумларида анафорик бирликларни ажратиш ва уларни тизимлаштириш, анафорик бирликлардан матнда фойдаланишнинг стилистик ва когнитив қирраларини ўрганиш, анафорик бирликларнинг барқарор қўлланиш шартларини аниқлаш, матннинг асосий категорияларини воқелантиришда анафоранинг ролини белгилаш, анафорик бирликларнинг прагматик имкониятларини ўрганиш каби йўналишларда изланишлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Антик даврлардан риторика доирасида қараб келинган анафора ҳодисаси XIX-XX асрларда лингвистик тадқиқот объектига айланади⁴. Масалан, Фердинанд дў Соссюрнинг шогирдлари Шарль Балли ва Альбер Сешез анафорани объектни кўрсатиш ва воқелантиришнинг бир усули сифатида кўриб чиқади ва прономинал, вербал ва адвербиал анафорани ўрганишга киришадилар. К. Бюлер ўз ишларида тилнинг репрезентатив функциясини умуман ва анафорик функцияни хусусан батафсил ўрганиб чиқади ҳамда «катафора» атамасини илмий қўлланишга киритади. Кўплаб тилшунослар, шу жумладан, Л.Теньер ва Э.Бенвенист анафора ва анафорик муносабатларни структурал ёндашув

³ Маълумотлар университетларнинг веб-сайтларидаги материаллар асосида тақдим этилди www.nuu.uz, www.uzwlu.uz, www.samdchti.uz

⁴ Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М.: Эдиториал УРСС, 2001. –403 с.; Сешез А. Программа и методы теоретической лингвистики. – М.: УРСС, 2003; Бюлер К. Теория языка: Репрезентативная функция языка. – М., 1993; Tesnière L. Éléments de syntaxe structurale. Paris: Klincksieck, 1988; Benveniste É. Problèmes de linguistique générale. Paris: Gallimard, 1970.

доирасида ўрганиш билан шуғулланган, бунда анафора бир-бирига яқин ҳодисалар, хусусан, субституция билан кўпинча қориштириб юборилган.

Анафорик муносабатларни ўрганиш ХХ асрнинг иккинчи ярмида шаклланган тилшунослик йўналиши – матн лингвистикаси доирасида янада кўпроқ долзарблик касб этади. Матнни структур ва семантик бир бутун ва олий коммуникатив бирлик сифатида тавсифланган, тадқиқотчилар матн категорияларини ўрганишга киришадилар. Шундай категориялардан бири – равонлик ёки боғланганлик (когезия) – анафорага асосланади. М. Риффатерр, Ж. Клебер, Ф. Корблин, Б. Комбетт, Ф. Корниш, А. Беррандонне, М. Шароль, Л. Лундквист, Д. Менгено, Ж.-М. Адам⁵ каби тилшуносларнинг француз тили материалида олиб борган ишлари тилнинг анафорик бирликларини аниқлаш, анафорик муносабатларни тавсифлаш, анафорик бирлик ва антецедент ўртасидаги позицион ва семантик боғланишни ўрнатиш масалаларига кўшилган катта ҳиссадир.

Анафора дискурсив тадқиқотлар оқимида ҳам, хусусан, Т.А. ван Дейк ва унинг издошлари томонидан ишлаб чиқилган дискурс назарияси доирасида ўрганилмоқда⁶. Умуман олганда, анафорик муносабатларни ўрганиш матн ва дискурс назариясининг энг долзарб масалалари соҳасига тааллуқли бўлиб, М.А.К. Халлидей и Р. Хасан, Дж. Браун ва Дж. Юл, М. Кулхард, М.Л. Макаров ва бошқаларнинг ишларида ўз аксини топган. Генератив тилшунослик ҳам анафора ҳодисасига алоҳида эътибор қаратади. Ушбу ҳақида А. Зриби-Герцнинг француз тили материалида олиб борган тадқиқотлари ҳам гувоҳлик беради.

Рус тилшунослик фанида анафоранинг умумий масалаларини ишлаб чиқиш ва унинг алоҳида турлари, жумладан, олмошли ва феълли анафорани ўрганишга В.Г. Гак, Б. Жаров, Т.В. Куприна, А.А. Кибрик⁷ ва бошқаларнинг тадқиқотлари бағишланган. Прагмалингвистик услубларни кўллаш анафорик бирликларнинг прагматик таркибини аниқлашда жуда истиқболли кўринади, ва бу борада Ч. Моррис, Дж. Лакофф, Дж. Остин, Дж. Серль, Г. Лич каби

⁵ Riffaterre M. La Production du texte. Paris, Seuil, 1979; Kleiber G. Anaphore-déixis. Où en sommes-nous? // Information grammaticale. – 1991. №51. - P. 3-18; Corblin F. Les formes de reprise dans le discours. - Rennes: PUR, 1995. - 187 p.; Combettes B. Pour une grammaire textuelle. Bruxelles: Duculot, 1983; Cornish F. Relations de cohérence et anaphores en contexte inter-phrastique: une symbiose parfaite // Langages. – 2006. 40e année, №163. Unité(s) du texte. - P. 37-55; Berrendonner A. Connecteurs pragmatiques et anaphore // Cahiers de linguistique française. – 1983. №5. p. 215-246; Charolles M. La référence et les expressions référentielles en français. Paris: Ophrys, 2002; Lundquist L. Noms, verbes et anaphores (in)fidèles. Pourquoi les Danois sont plus fidèles que les Français? // Langue française. Le génie de la langue française. Perspectives typologiques et contrastives. - 2005. - №145. - P. 73-91; Maingueneau D. Linguistique pour le texte littéraire. Paris, Nathan, 2003; Adam J.-M. La linguistique textuelle. Armand Colin, 2015. - 320 p.

⁶ Dijk T. A. van (ed.) Discourse as Structure and Process. - London, 1997; Halliday M.A.K., Hasan R.: Cohesion in English. London-New York: Longman, 1976. 15e éd., 1997; Brown G., Yule G. Discourse Analysis. Cambridge University Press, 1983; Coulthard M. (ed.) Advances in Written Text Analysis. - London, 1994; Макаров М. Л. Основы теории дискурса. - М.: ИТДГК «Гнозис», 2003. -280 с.; Zribi-Hertz A. L'anaphore et les pronoms. Une introduction à la syntaxe générative. - Villeneuve-d'Ascq: Septentrion, 1996. - 112 p.

⁷ Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка. – М.: Добросвет, 2000. – 832 с.; Жаров Б.С. Замещение как языковое явление. – Л.: ЛГУ, 1984. -107 с.; Куприна Т.В. Глагольная репрезентация и ее особенности во французском языке // Глагол в строе французского предложения. – Изд. Рязан. гос. пед. ин-та, 1983. – С. 40-51; Кибрик А.А. Местоимения: морфологические, синтаксические и дискурсивные аспекты // Теория грамматики: лексикограмматические классы и разряды слов: Сб. обзоров. – М.: ИНИОН АН СССР, 1990. – С. 139–201.

америка олимларининг, А. Ребуль ва Ж. Мешлер⁸ каби француз прагмалингвистларининг, И.П. Сусов, Н.Д. Арутюнова, Е.В. Падучева, В.В. Богданов, В.А. Звегинцев, А.А. Кибрик⁹ каби прагмалингвистика соҳасидаги рус назариётчиларининг, шунингдек, нутқ шаклларининг прагматик таркибини тадқиқ этган Ш.С. Сафаров, С. Раҳимов, С. Мўминов, Д.У. Ашурова, М. Хақимов, Ж.А. Ёқубов¹⁰ каби ўзбек тадқиқотчиларининг ишлари ушбу тадқиқотнинг илмий изланиш йўналишини шакллантиришда сезиларли даражада ҳисса қўшди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат чет тиллар институтининг «Дискурсни когнитив, прагматик ва социолингвистик ўрганиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлар режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади дискурснинг муайян бўлагида анафорик бирликларнинг қўлланишини прагматик мақсадни амалга ошириш учун восита сифатида хизмат қиладиган барча мустақил сўз туркумларига хос универсал вазифа сифатида француз тили асосида ўрганишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқотда кўзланган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш зарур:

анафорик бирлик қўлланган ва изоҳланиши мумкин бўлган дискурс сегментини тавсифлаш ва матн майдони қуршови ҳамда коммуникатив муҳитнинг анафора тавсифига таъсир даражасини аниқлаш;

дискурсив категориялар (матннинг раволиги ёки грамматик боғланганлиги (cohesion), тематик ривож ва концептуал-семантик яхлитлигининг (coherence)) ифодаланишида, шунингдек, дискурсив хотира ва таъкид ҳаракатларининг амалга ошишида анафоранинг ролини аниқлаш;

француз тилида анафорик отлар туркумини аниқлаш ва тизимлаштириш, мулоқот жараёнида уларни танлаш шартлари, талқин қилиш тамойиллари ва дискурсив майдонда улардан фойдаланишнинг прагматик мақсадини белгилаш;

⁸ Моррис Ч. Основания теории знаков // Семиотика. М., 1983. - С. 37-89; Лакофф Дж. Прагматика в естественной логике // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 16: Лингвистическая прагматика. М., 1985. - С. 439-470; Austin J.L. How to do Things with Words. Oxford University Press, 1970; Searle J. Speech Acts. Cambridge University Press, 1969. Ed. 1972; Leech G. Principles of Pragmatics. London and New York, 1986; Moeschler J, Reboul A. Pragmatique du discours. Paris, A. Colin, 1998.

⁹ Сусов И.П. Лингвистическая прагматика. -М.: Восток-Запад, 2006. -200 с.; Арутюнова Н.Д. Прагматика // Языкознание: Большой энциклопедический словарь. -М., 1998. - С. 389-390; Арутюнова Н.Д., Падучева Е.В. Истоки, проблемы и категории прагматики // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 16: Лингвистическая прагматика. -М., 1985. - С. 3-47; Падучева Е.В. Высказывание и его соотносительность с действительностью. - М.: Наука, 1985. -272 с.; Богданов В.В. Лингвистическая прагматика и её прикладные аспекты // Прикладное языкознание. СПб, 1996. - С. 268-275; Звегинцев В.А. Прагматика, семантика и естественный язык // Звегинцев В.А. Мысли о лингвистике. -М., 1996; Кибрик А.А. Анализ дискурса в когнитивной перспективе. Дисс. ... доктора филол. наук / Институт языкознания РАН. - М., 2003. - 90 с.

¹⁰ Сафаров Ш.С. Лингвистика дискурса. - Челябинск: Изд-во ЧКИК, 2018. - 250 с.; Сафаров Ш.С. Прагмалингвистика. -Т., 2008. - 318 б.; Ashurova D.U. Text Linguistics. - Т.: Taffakur qanoti, 2012; Раҳимов С. Типология текстообразующих категорий: Семантика. Прагматика. Функция. - Андижан, 1990. - 239 с.; Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий лисоний хусусиятлари. Филол. фан. докт. дисс. ... автореф. -Т., 2000. -44 б.; Хақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини. - Т., 2001; Ёқубов Ж.А. Модаллик категориясининг мантик ва тилда ифодаланишнинг семантик хусусиятлари. - Т.: Фан, 2005. - 223 б.

француз тилидаги анафорик сифатларни турларга ажратиш шартларини ўрганиш, уларнинг вазифавий жиҳатларини тасвирлаш ҳамда субстантив ва адъектив анафоранинг ўзаро алоқадорлик тугунларини топиш;

француз тилида анафорик феълларнинг турғун (узуал) кўлланиш шартларини таъкидлаган ҳолда тизимлаштириш, матнда анафорик феъллардан фойдаланишнинг прагматик меъёрини кўрсатиш;

равишларнинг француз матнида бажарадиган анафорик вазифаси кўламини белгилаш ва уларни гуруҳларга ажратиш ҳамда вербал ва адвербиал анафоранинг ўзаро функционал боғлиқлигини изоҳлаш;

анафоранинг универсал ва сўз туркумларига ҳос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда унинг мавқеини ойдинлаштириш ҳамда дискурс таркибида анафорик бирликлардан фойдаланишнинг коммуникатив моҳиятини далиллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида репрезентатив (анафорик) функцияни бажарадиган француз тили мустақил сўз туркумларининг бирликлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети француз тили анафорик бирликларининг дискурсив ва прагматик хусусиятлари ташкил этади. Дискурсининг прагматик таркибини очиб бериш мақсадида анафорик вазифасининг амалга ошириш қонуниятлари мустақил сўз туркумларининг ҳар бирида алоҳида-алоҳида кўриб чиқилади.

Тадқиқотнинг услубларини танлаш муаммони ўрганиш учун мақбул ёндашувларнинг ўзига хослиги билан белгиланади. Шунга биноан диссертацияда қуйидаги тадқиқ усулларига мурожаат қилинган: контекстуал таҳлили, компонент таҳлили, қиёслаш ва концептуал тадқиқ методлари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

матннинг асосий категориялари – грамматик боғланганлик, тематик ривож ва семантик яхлитликни таъминлашга хизмат қиладиган ва дискурсив элемент сифатида қараладиган анафорик бирликларнинг функционал-прагматик мақоми аниқланган ва шу аснода анафора ҳодисасининг универсал ва ҳар бир сўз туркумига ҳос хусусиятлари аниқланган;

анафора дискурсив хотира ва таъкид категорияларини шакллантириш воситаси, анафорик бирликлар эса муайян матн элементи (субстанция, субстанциянинг белгиси, жараён ёки жараённинг белгиси)нинг аҳамияти ҳақидаги маълумотни нутқ адресатининг дискурсив хотирасида сақлаш воситаси сифатида хизмат қилиши далилланган;

матн қисмларининг анафорик таъсирга учраш омиллари аниқланган яъни муҳим унсур дискурсив таъкид ҳудудидан жой олиб, анафора объектига айланиши ва шу тариқа референт ёки анафорик бирликни талқин қилиш учун зарур семантик манба бўлиб қолиши исботланган;

француз тилида соф анафорик отлар ва сифатларнинг биринчи бор тизимли равишда тасниф мезонлари ишлаб чиқилган, коррелятив белгилар асосида *le* анафорик сифатининг мақоми ойдинлаштирилган ҳамда анафорик от ва сифатлар кўлланишининг функционал ўзаро боғлиқлиги очиб берилган;

анафорик феъллар фаоллашув имкониятларга нисбатан тизимлаштирилган ва француз тили нутқий мулоқот муҳитида улардан узуал фойдаланишнинг нутқ вазияти билан боғлиқ шартлари кўрсатилган;

коррелятив белгилар асосида анафорик равишларнинг тасниф принциплари асосланган ҳамда анафорик феъллар ва равишларнинг функционал ўзаро муносабатини таъминловчи контекстуал шароитлар кўлами белгиланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Амалга оширилган тадқиқот дискурс таҳлили ва матн талқини учун ўта муҳим бўлган барча сўз туркумларига тааллуқли бўлган анафорик бирликларни тизимли равишда тавсифлаш ва таснифлаш методларини таклиф қилади. Анафорик бирликка таяниш нутқ адресатига муайян матнда дискурсив аҳамиятга эга бўлган элементни ажратиш ва матн мазмун-моҳиятини тўлиқ шарҳлаш имконини беради. Шунинг билан бирга, анафорик бирликлардан фойдаланиш тамойилларини тушуниш адресантга матндаги маълум бир элементнинг коммуникатив аҳамиятини фарқлаш ва узатилаётган ахборотни адресатнинг дискурсив хотирасида кўникмасини ҳосил қилади. Бу ҳолат мазмун идрокининг сўзловчи ва тингловчи томонидан айнан бир ҳил кечишини таъминлайди ҳамда мулоқотнинг самарадорлигини оширади.

Мазкур диссертацияда тадбиқ этилган таҳлил методлари, эришилган натижалар ва хулосалар нутқ бирликларининг функционал ва прагматик таркибини батафсил ўрганишда, шунингдек, матн лингвистикаси, дискурс таҳлили ва прагмалингвистика билан боғлиқ тадқиқотларни бажаришда фойдали бўлиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ кўйилиши, тадқиқотда тилшуносликнинг замонавий йўналишларида синовдан ўтган таҳлил методларидан фойдаланилганлиги, эришилган хулосаларнинг қатъийлиги, тадқиққа тортилган матнларнинг нуфузли манбалардан олинганлиги ва натижаларнинг жорий қилиниши ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ушбу тадқиқот натижалари ва илмий хулосалар асосий дискурсив категорияларнинг амалга ошишини таъминлайдиган ҳодиса сифатида фаоллашадиган анафоранинг лисоний моҳиятини англаб олишга сезиларли даражада ҳисса қўшади, шунингдек, анафорик бирликларнинг функционал-прагматик хусусиятларини кўрсатиб беради. Шу аснода коммуникация вазиятларида анафорик бирликлардан фойдаланишнинг прагматик имкониятларини аниқлаш мумкин бўлади.

Диссертация материаллари ва натижаларидан амалий фойдаланиш кўлами жуда кенг. Улар дискурсив категорияларга оид кейинги тадқиқотлар, дискурс ҳодисаларини когнитив нуқтаи назардан ўрганиш, шунингдек, турли жанрдаги матнларни автоматик равишда қайта ишлаш доирасида қўлланиши мумкин. Диссертация материаллари ва хулосаларидан «Сўз туркумларининг анафорик функцияси» махсус курсни ташкил қилишда, «Матн лингвистикаси», «Замонавий тилшунослик» ва «Амалий тилшунослик»

фанлари бўйича маъруза ва семинар дарсларида, матн таҳлили бўйича назарий ва амалий машғулотларда, кўрсатиб ўтилган фанлар бўйича ўқув-услубий материаллар тўплашда, диссертация тадқиқотларини олиб боришда ва монографиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Анафорик бирликлар тизимини тавсифлаш ва таснифлаш ҳамда мулоқот матнида уларнинг прагматик имкониятларини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган тамойиллар асосида:

мулоқот жараёнида нутқ адресантининг ижтимоий ролини аниқлашга доир ишлаб чиқилган усуллардан ОТ-Ф8-002 рақамли «Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири» фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 августдаги 89-03-3170-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши шахслараро мулоқот ҳодисалари таҳлилида нутқ соҳибининг ижтимоий ролини белгилаш, дискурсдаги ижтимоий омилларнинг сўзловчига таъсирини аниқлаш, самарали мулоқотни амалга ошириш воситаларини ёритиш имконини берган;

от туркумига доир анафорик бирликларнинг тавсия этилган таснифидан ОТ-Ф8-062 «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 августдаги 89-03-3170-сон маълумотномаси). Тадқиқот илмий натижаларининг қўлланилиши француз тилида анафорик отларнинг конверсия йўли орқали ясалиши мисолида матн деривацияси жараёнининг таркибий қисмини намоён қилиш имконини берган;

дискурс майдонида анафорик бирликларни ажратишнинг ишлаб чиқилган механизмидан И-204-4-5 «Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» инновацион лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 августдаги 89-03-3170-сон маълумотномаси). Диссертация тадқиқотида ишлаб чиқилган мустақил сўз туркумларига мансуб анафорик бирликларни референт матн доирасида вербал ифодаланган қисмига таяниб аниқлаш механизмини қўллаш чет тилини ўргатишда ёзма матнни муқобиллаштириш ва идрок қилиш алгоритминини яратиш имконини берган;

диссертацияси натижаларидан ЁА-1-17 «Катта авлод вакилларининг комил инсон тарбиялашдаги ўрни ва ролини оптималлаштириш имкониятларини илмий-амалий тадбиқ этиш» номли амалий лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 августдаги 89-03-3170-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши катта ва кичик авлод муносабатларида прагматик ёндашув таҳлили, оғзаки нутқда мазмунли ахборотни аниқлаш усулини қўллаш ҳамда комил инсон тарбиясида нутқ самарадорлигини ошириш механизмини ишлаб чиқиш имконини берган;

диссертацияси натижаларидан чет тилини билиш (CEFR) даражасини аниқлаш учун ўтказиладиган синовларда талабгорларнинг оғзаки ва ёзма

нутқини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Давлат тест марказининг 2019 йил 22 июндаги 51-сон маълумотномаси). Таклиф этилаётган материаллар оғзаки ва ёзма нутқнинг узвийлигини ва изчиллигини баҳолашда ҳаққоний мезонларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилган;

диссертация натижалари Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан 2019 йил 14-16 март кунлари Тошкент шаҳридаги Франкофония байрами дойрасида ташкил этилган IV ўқувчилар ва талабалар француз тилидаги театр ва кўшиқлар фестивалида фойдаланилган (Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонасининг 2019 йил 22 июлдаги маълумотномаси). Диссертация тадқиқотининг тақдим этилган натижалари театр танлови иштирокчиларининг нутқида дискурсив аҳамиятга эга бўлган ахборотлар тақсимланишини, шунингдек, нутқнинг ўзаро боғлиқлиги ва изчиллиги даражасини оширишни таъминлаган;

нутқнинг когерентлигини таъминлаш усуллари бўйича хулосалар Alliance Française de Tachkent ўқитувчилари учун ташкил этилган тренинг давомида қўлланилди (Alliance Française de Tachkentнинг 2019 йил 20 июндаги 15-сон маълумотномаси). Диссертация тадқиқотининг натижаларини қўллаш оғзаки ва ёзма нутқ компетенциясини шакллантириш методологиясини такомиллаштиришга, яъни француз тили ўрганувчилар нутқининг когерентлиги ва коммуникатив самарадорлигини оширишга хизмат қилди;

дискурсив вазиятларни лисоний ифодалашга оид хулосаларидан Самарқанд вилоят радиосининг 2019 йил 10 июлдаги «Диалог» эшиттиришининг сценарийсига киритилган ва уни тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2019 йил 10 июлдаги 119-сон маълумотномаси). Анафорик бирликларнинг мазмуни ҳамда фаоллашув қоидаларига амал қилиш мулоқотнинг самарадорлигини ва чет тилидаги оғзаки ёки ёзма матнни тушуниш даражасини оширишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 4 та республика анжуманларида илмий маърузалар кўринишида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 26 илмий иш чоп этилган, шундан, 1 та монография ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 12 илмий мақола, шу жумладан, 10 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўрт асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг ҳажми 230 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва ҳимояга олиб чиқилган асосий хулосалар баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Матн ва унинг категорияларини ўрганишнинг дискурсив ва прагматик аспектлари»** деб номланган биринчи бобида анафорани матн сатҳининг бирлиги сифатида дискурсив ва прагматик нуқтаи назардан ўрганиш зарурати асосланади ҳамда матн асосий категорияларининг амалга ошишида анафоранинг роли таҳлил қилинади.

Тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги босқичида тилнинг функционал қонуниятларини ўрганишнинг умумий анъанаси етакчилик қилмоқда. Бунинг натижасида матн лингвистик тадқиқотнинг мустақил объектига айланди, матн тилшунослиги эса лисоний ҳамда экстралингвистик омилларни ўрганишга эътибор қаратадиган алоҳида йўналиш сифатида шаклланди. Бу ҳолат дискурс таҳлилининг лингвистик тадқиқотларнинг долзарб йўналиши мақомини олишига асос яратди.

Матн ўзи жойлашган контекст қуршови билан узвий боғланган, мазмунан яхлит бирликдир. Шунга кўра, матн тилшунослиги муайян нутқ тузилмаларнинг таҳлиliga асосланган маънонинг контекстуал шаклланиш концепциясига таянади. Айнан шу йўналиш «дискурснинг матнли таҳлили» («analyse textuelle des discours»)¹¹ терминологик белгисини олди. Ушбу алоҳида йўналиш дискурс тадқиқоти доирасида француз, немис, инглиз, италян, испан, рус, ўзбек ва бошқа тиллар материалида ривожланмоқда.

Матн ва унинг таркибий қисмлари таҳлилининг умумий тарзда «ко(н)текст» атамаси билан кўрсатилиши мумкин бўлган бевосита матн ва ундан ташқаридаги экстралингвистик қуршовни ҳисобга олмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди.

Матнни тушуниш бир пайтнинг ўзига узоқ муддатли хотирада сақланадиган қомусий билимларни ҳамда қисқа муддатли, ишчи хотирага тегишли лисоний билимларни тезкор фаоллаштиришни талаб қилади. Дискурсив хотира коммуникантлар учун аҳамиятли бўлган олдинги гаплар ва бошқа лисоний тузилмаларидан иборат бўлиб, матннинг ўқувчи (тингловчи) томонидан адекват идрок этилиши мумкинлиги сифатида тушуниладиган семантик яхлитликни таъминлаш манбаси ҳисобланади¹². Бунинг натижасида, матнда қайд этилган бирлик (сегмент) анафоранинг имкониятдаги манбасига, анафорик бирликнинг қўлланиши эса нутқий

¹¹ Adam J.-M. La linguistique textuelle. Armand Colin, 2015. - P. 13.

¹² Paveau M.-A. Mémoire, démémoire, amémoire. Quand le discours se penche sur son passé. - 2014. - P. 3.

тузилмани хотиранинг муайян босқичи билан ўзаро боғлайдиган ва шу орқали, матн когерентлигини таъминлайдиган амалий ҳаракатга айланади.

Анафорик бирликлар матннинг равонлиги (когезия)ни таъминлаш орқали уни лисоний ташкил этиш воситаси сифатида хизмат қилиши ва шу ҳисобдан матннинг тематик ривожини ҳам рўёбга чиқиши анъанавий равишда таъкидлаб келинмоқда.

Гапни тема-рематик бўлақларга ажратиш қоидалари дискурсив майдонни ташкил қилиш тамойилларини аниқлаш учун ҳам қўлланиши мумкин. Олиб борилган тадқиқот асосида биз матн ва унинг таркибидаги ҳар бир гап олдиндан маълум ахборот ифодаси сифатида тақдим этиладиган ва бутуннинг равонлигини таъминлайдиган такрорланувчи референт элементларга эга, янги сифатида тасаввур қилинадиган элементлар эса ахборот ривожини кенгайтиришга ва динамикасини манбалаштиришга йўналтирилган деган хулосага келдик.

Матнда кичик ва йирик бирликларнинг ўзаро бир-бири билан боғланишини таъминлайдиган асосий воситалар орасида устувор роль анафорик бирликларга ва кореферент алоқаларга тегишли бўлади. Ушбу ҳодисалардан ҳар бири матн мақомини белгиловчи омилдир, аммо уларнинг бирортаси ҳам мустақил равишда матннинг равонлигини кафолатлайдиган ягона омил бўла олмайди. Матн шаклланиши шароитида улар биргаликда ҳаракат қилишади. Агар воситалардан бири етарли бўлмаса, бир-бирини тўлдириши, ҳатто қоплаши мумкин.

Шунингдек, биз анафоранинг функционал аспектларидан бири бўлган ва дискурс тадқиқотчилари матннинг асосий категорияси сифатида тан олган матннинг семантик яхлитлигини¹³ таъминлашда анафоранинг ролини аниқлашга ҳаракат қилдик. Матннинг семантик яхлитлиги умумий тарзда унинг самарадорлиги ва маънодорлиги, мантиқий боғланганлиги ва ички зидликдан холи эканлиги билан белгиланади.

Кўплаб тадқиқотчилар анафора ва мазмуний когерентликнинг ўзаро боғлиқлигига ишора қилади. Когерентликнинг ўз формал белгилари мавжуд бўлиб, улар қаторига анафора, эллипсис ҳамда дискурсив ёки прагматик боғловчи – коннекторларни киритиш керак. Когезия ва когерентлик ўртасида амалга ошиш даражаси билан фарқ қиладиган қандайдир бир ўхшашлик ўрнатилади. Агар когезия анафора, эллипсис, коннектор кабиларнинг формал алоқалари ва қўлланиш шаклига таяниши лозим бўлса, матн когерентлиги худди шу бирликлар билан фақат дискурсив муносабатга киришади. Мантиқий, когнитив ёндашувсиз матн когерентлигини шакллантиришнинг имкони бўлмайди. Демак, матннинг талқини эндиликда лингвокогнитив кўриниш олади.

Нутқий тузилма таркибида мавжуд бўладиган анафорик бирликларнинг прагматик мазмун жиҳатидан антецедентга (референтнинг вербал ифодасига) эга бўлган бошқа бир гапга нисбатан тобе характерини кўрсатиши намоён

¹³ Cornish F. Relations de cohérence et anaphores en contexte inter-phrastique: une symbiose parfaite // Langages. – 2006. 40e année, №163. Unité(s) du texte. – P. 37-38.

бўлади. Демак, анафора бош гап томонидан ифодаланган вазиятнинг дискурсив қийматини (saillance) кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ўтган асрнинг 60-70 йилларида, матн тилшунослиги, когнитив тилшунослик ва бошқа функционал йўналишларнинг ривожланиши билан бир қаторда тил ва нутқ тизимини ўрганишга нисбатан прагматик ёндашув шаклланди¹⁴. Прагмалингвистика тилга фаолият назарияси нуқтаи назаридан ёндашув рамзидир ва лисоннинг инсонлар ижтимоий фаолияти қуроли воситаси вазифасини бажара туриб, қандай «ишлашига» диққатнинг кўчиши билан таърифланади. Унинг ривожланиш манбаси сифатида фалсафий прагматика билан бир пайтда тил тизимини мажмуавий тавсифлаш ва талқин қилишга ундайдиган семантикани ҳам қараш мумкин.

Прагматик парадигмада марказий ўринни лисоний белги, белгининг таъсир кучи ва таъсир кўрсатиш субъекти эгаллайди. Прагмалингвистика мулоқот контексти билан узвий боғлиқ бўлган коммуникатив жараёнларга ва тил тизимидан фойдаланиш тамойилларига алоҳида эътибор беради. Тил тизимининг тадқиқига прагматик ёндашув ҳар бир муайян вазиятда маълум бир ижтимоий-этномаданий жамоа аъзолари ўртасидаги тажриба ва коммуникатив алоқа алмашинувини лисоний белгилар воситасида амалга оширилиши усулларини кузатишни тақоза этади¹⁵.

Умуман, лингвистик тадқиқотнинг мустақил объекти сифатида матнни тавсифлаш матн яратиш тамойилларини ўрганиш, матн категорияларини ажратиш ва уларни тавсифлаш методологиясини қайта кўриб чиқишга ундайди. Соф матн категориялари сифатида матн когезияси, когерентлиги ва тематик ривож ижралиб туради ва мазкур категорияларнинг ифодаланиш усулларини таҳлил қилиш учун анафорик бирликларни ажратиш ўта аҳамиятли, кўп ҳолларда эса, асосий омил эканлиги маълум бўлади.

Анафорани илгаридек фақат структур аспектда эмас, балки бажарадиган дискурсив вазифалари, яъни функционал нуқтаи назардан ўрганиш зарурати прагматик тилшунослик ва унинг матнга хос ҳодисаларини ўрганиш тамойилларига мурожаат қилишни шарт қилиб қўяди.

Прагмалингвистикада қабул қилинган лисон ва унинг табиатига хос ҳодисаларини ҳаракатда, инсон фаолияти қамровида талқин қилишни назарда тутадиган акционал ёндашувни ҳисобга олган ҳолда анафора ҳодисасини тадқиқ қилиш жуда истиқболли кўринади. Шу муносабат билан лисоний белги сифатида фаоллашадиган анафорик бирликнинг ахборотни қабул қилувчи шахс онгига таъсири муаммоси алоҳида эътиборга моликдир.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Анафорик бирликларни ўрганишда структур ва функционал ёндашувлар**» деб номланган. Ушбу бобда анафорик ҳодисанинг дискурсив хотира назарияси доирасида ўрганишнинг илмий жиҳатдан истиқболлини белгилаш ҳамда дискурсив хотира ва қиймат категорияларининг фаоллашувида анафорик бирликларнинг ролини аниқлаш

¹⁴ Сафаров Ш.С. Лингвистика дискурса. – Челябинск: ЧГИК, 2018. – С. 33.

¹⁵ Сусов И.П. Лингвистическая прагматика. – М.: Восток-Запад, 2006. - С. 22.

мақсади кўзланади. Шунингдек, структур ва функционал ёндашувларнинг ўзаро муқобиллашув ҳолатлари ёритилади.

Тилшуносликда анафора матннинг икки ёки ундан ортиқ қисмлари ўртасидаги семантик муносабатлар сифатида таърифланади, бунда бир ифодаловчининг мазмунини тушуниш матннинг чап (соф анафора) ёки ўнг (катафора) қисмларида мавжуд бўлган бошқа ифодаловчига боғлиқ бўлади¹⁶. Бу ҳолда анафорик бирликнинг «интерпретант» («*interprétant*»), «референт» («*réfèrent*»), «антецедент» («*antécédent*»), «семантик манба» («*source sémantique*») каби турли хил атамалар билан номланадиган бошқа элементга изоҳли боғлиқлиги назарда тутилади. Бизнинг ишимизда анафора ва репрезентация, анафорик бирлик ва репрезентант, референт ва кўрсатиладиган бирлик каби терминологик жуфтликлар тўлиқ синонимлар сифатида ишлатилади.

Анафорик бирлик ва семантик манба ўртасидаги муносабатлар учта хусусият билан тавсифланади: асимметриклик, ўтимсизлик, қайтариб бўлмаслик¹⁷. Асимметриклик хусусияти ишора қилинаётган бирлик (от) ва репрезентант (учинчи шахс олмоши) грамматик жиҳатдан бир хил эмаслигида намоён бўлади; репрезентантнинг мазмуни фақат ишора қилинаётган бирлик билан алоқа мавжуд бўлгандагина ўрнатилиши мумкин. Олмошнинг ўтимсизлиги ишорани қабул қилувчи бўлмасдан, фақат репрезентант бўлиш қобилиятини англатади; олмош анафорик муносабатнинг етакчи бўлаги сифатида қўллана олмайди. Олмошнинг қайтариб бўлмаслиги унинг ўзини ўзи кўрсатишга қодир эмаслигидадир. Анафорик бирликларнинг семантик жиҳатдан мустақил ёки автоном эмаслигини уларнинг яна бир хусусияти деб ҳисоблаш мумкин.

Анафора ҳодисаси кўпинча (ко)референция ҳодисаси билан тенглаштирилади, аммо буни биз ноҳўя деб ҳисоблаймиз. (Ко)референцияни икки ёки ундан ортиқ элементлар ўртасидаги айнан ўхшашлик муносабати сифатида таърифлашади, чунки элементларнинг ҳар бирини бошқасидан алоҳида ҳолда тушуниш мумкин. Анафора эса референция (нисбатлаш) жараёни бўлиб, бу жараён доирасида анафорик бирлик дискурда олдин эслатиб ўтилган референтга ҳавола вазифасини бажаради. Демак, анафорик бирликларнинг референтга семантик боғлиқлигини фарқловчи белги сифатида ажратган ҳолда анафора ва (ко)референцияни бир-бирига яқин, ўзаро боғланган ҳодисалар деб ҳисоблаш мумкин. Бундан ташқари, анафорик бирлик семантик манбага нисбатан ҳамреферент эмас.

Анафорик муносабатлар билан боғланган элементлар учун референт ва анафорик бирлик семантик ҳажмининг бир хилдалиги ёки турли хиллиги омили аҳамиятлидир. Шунга асосланган ҳолда адекват ва ноадекват анафора бир-биридан фарқланади (Ж.Клебер «*anaphore fidèle*» ва «*anaphore infidèle*» терминларини таклиф қилади¹⁸). Биринчи ҳолатда бирликларнинг семантик

¹⁶ Adam J.-M. *La linguistique textuelle*. Armand Colin, 2015. - P. 105.

¹⁷ Milner J.-C. *Ordres et raisons de langue*. Paris: Seuil, 1985. - P. 32.

¹⁸ Kleiber G. *Quand il n'a pas d'antécédent // Langages*. – 1990. № 97. - P. 24-50.

ҳажми бир-бирига айнан ўхшаш; иккинчи ҳолатда эса анафорик бирлик кўшимча категориал маънони ифодалайди.

Катафора анъанавий равишда анафоранинг позицион варианты сифатида кўриб чиқилган. Бироқ, замонавий тадқиқотлар¹⁹ катафорани мустақил дискурсив ҳодиса сифатида таърифлашга ундайди ҳамда уни анафорага 1) онтологик жиҳатдан (катафора кўпинча от категориясига оид бўлмаган бирликлар, яъни вазиятлар, воқеалар ва гаплар билан боғланган); 2) информатив жиҳатдан (катафора, номаълум хабарни дискурсив майдонга киритган ҳолда гапнинг рематик қисмида қўлланади); 3) формал жиҳатдан (катафора учун нейтрал кўрсатиш сифатлари ва олмошларнинг қўлланиши хосдир) қарама-қарши кўядилар. Демак, аксарият ҳолларда катафора ва анафоранинг ўзаро ўрин алмашинувиغا йўл қўйиб бўлмайди.

Катафорани тадқиқ қилишга бағишланган ишларнинг танқидий ўрганилиши ушбу тушунчага бошқача нуқтаи назардан ёндашиш эҳтимolini тўғдиради. Зотан, катафора анафоранинг оддий позицион муқобили бўлибгина қолмасдан, қўлланиши бир қатор лингвистик ва экстралингвистик омиллар билан боғлиқ алоҳида дискурсив ҳодиса сифтида намоён бўлади.

Анафора тушунчаси дейкисис тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Дейкисис воқелантириш, яъни сўзларнинг умумий маъносини муайян замон ва маконга мослаштириш усули сифтида таърифланади. Шунга нисбатдан, учта умумий бўлган – *мен, шу ерда, ҳозир* алоқа нуқтаси ажратиб кўрсатилади. Дейкисис нутқ жараёнида мулоқот иштирокчиларига бир-бирига нисбатан макон ва замонда ўзи эгаллаган макон ёки замонни аниқлаб олиш имконини берадиган даражадаги кўрсатиш усулига айланади.²⁰ Шу аснода, макон, замон ва шахс дейкисисини алоҳида гуруҳларга ажратиш мумкин. Умуман олганда, нутқ актини маълум бир мулоқот вазияти билан боғлашга имкон берадиган лисоний бирликларни дейктик бирликлар қаторига киритиш керак.

Маълумки, лингвистик тадқиқ нуқтаи назаридан, объект икки ҳудудда мавжуд бўлиши мумкин: мулоқот матнида ва матндан ташқарида. Референтни маконлаштириш назариясининг ушбу мумтоз ғоясини тарафдорлари М.А.К.Халлидей ва Р.Хасан эндофора (endophore) ёки референт матн майдони доирасида жойлашган матнли референция ҳамда экзофора (exophore) ёки анафорик бирлик референти дискурсив майдондан ташқарида жойлашган вазиятли референция ўртасидаги фарқни ўрнатишга ҳаракат қилдилар²¹. Ушбу ёндашув анафора ва катафорани эндофоранинг таркибий қисми сифатида баҳолайди ва уларга дейкисисни зид кўяди. Анафорик бирлик референтини аниқлаш учун мос антецедентни излаш керак бўлса, дейктик бирлик референтини очиб бериш учун унга мос келадиган бевосита экстралингвистик вазиятдаги муқобил ҳолатни топиш керак.

¹⁹ Kesik M. La cataphore. Paris: Presses Universitaires de France, 1989. - P. 102.

²⁰ Исламджанова Х.И. Обнаружение говорящего в высказывании. Автореф. дисс. ... док. филол. наук. – Ташкент, 2000. - С. 3.

²¹ Halliday M.A.K., Hasan R. Cohesion in English. London-New York: Longman, 1976. 15th ed., 1997.

Бироқ илмий таҳлилнинг ривожланиши референтни маконлаштириш мезонидан воз кечишга олиб келмоқда. Анафора ва дейкиснинг аниқлаш мезонлари бўлган матн ва бевосита коммуникатив вазият эндиликда дискурсив қиймат ва янгилик мезонларига йўл бериши керак. Бу мезонларга биноан агар референт матнда аллақачон мавжуд, мулоқот вазияти иштирокчиларига таниш ва улар учун аҳамиятли бўлса, гап анафора ҳақида боради. Референт коммуникантларнинг бир қисмига нотаниш бўлиб улардан бири томонидан оператив дискурс хотирасига киритилган тақдирда, гап ҳодисаси юзага келади.

Бу сингари талқин анафорик ифодани тингловчида маълум бир объектга олдиндан қаратилган диққатни сақлаб туришнинг лисоний воситаси, дейктик ифода эса тингловчининг диққатини муайян объектга йўналтириш воситасидир, деган нуқтаи назарга қўшилишга мажбурлайди²².

Матн боғланганлик ва динамик мавзуй ривож белгилари билан тавсифланади. Иккинчиси матн майдонида янги ахборотни киритишни назарда тутади. Бу янги ахборот аввалгисига алоқадор бўлиши ва ўқувчи/тингловчи эътиборини жалб қиладиган ва умумий мазмунни шакллантиришга ҳисса қўшадиган баъзи янги маълумотларга эга бўлиши керак. Матн майдонида ахборотни ажратиш усуллари орасида топикализация (мавзулаштириш) ва фокализация (диққатни марказлаштириш) ҳаракатларини таъкидлаш лозим. Топик сўзловчи ва тингловчининг онгида мавжуд бўлган ахборот сифатида қабул қилинади ва уни идрок этиш коммуникантлардан ўзига хос когнитив ҳаракатни талаб қиладди. Топик анъанавий равишда фокуслаштиришга (focalisation) қарама-қарши қўйиб келинади. Башарти топик тематик ажратиш амали натижаси сифатида қаралса, фокуслаштириш эса мазмунинг рематик бўлагини ажратиш сари йўналтирилади. Функционал нуқтаи назардан, топиклаштириш дискурсив доиранинг ривожига йўналтирилган, фокуслаштириш эса унинг торайишига қаратилган. Шунга кўра, «фокус» («focus», «foyer») атамаси орқали сўзловчи томонидан муҳим ахборотга эга бўлган дискурс парчасининг маълум бир тарзда ажратилиб кўрсатилиши англашинилади.

Дискурсининг муайян парчаси диққатни жалб қилиши унга маълум бир қиймат беришни англатади. Бунда икки нарса фарқланади: а) нутқ шакли билан боғлиқ маъно ёки «жисмоний қиймат» («saillance physique») ва б) нутқ мазмуни ва унинг перлокутив имконияти билан боғлиқ маъно ёки «когнитив қиймат» («saillance cognitive») ²³.

Юқорида айтилганларга асосланиб, биз анафорик муносабатларни ўзаро боғлиқ иккита – дискурсив ва прагматик аспектда кўриб чиқишни маъқул кўрдик. *Анафора муносабат асосида матннинг камида иккита қисми боғланади: улардан бири, яъни референт мазкур матнда дискурсив қийматга эга бўлган объектни (объектнинг белгиси) ёки жараённи (жараён белгиси) лисоний воқелантирса, иккинчиси, яъни анафорик бирлик ушбу объект ёки жараёнга шиора қиладди. Анафорик бирлик референт билан боғланган ҳолда*

²² Kleiber G. Anaphore-déixis. Où en sommes-nous? // Information grammaticale. – 1991. – 51. P. 10.

²³ Landragin F. Saillance physique et saillance cognitive / CORELA - Cognition, Représentation, Langage. – 2004. №2.

тавсифланади. Дискурс миқёсида анафорик муносабатлар матннинг асосий категориялари воқеланишига иштирок этади ва булар қаторига боғлиқлик, когерентлик ҳамда мавзуй ривож категориялари киради. Прагматик жиҳатдан эса, анафорик бирлик референт ифодадалётган ахборотнинг дискурсив моҳияти кўрсаткичи ҳамда мулоқот иштирокчилари дискурсив хотирасини таъминловчи воситадир. Анафорик муносабатлар чизмада қуйидагича тақдим этилиши мумкин (1-расм):



1-расм. Анафорик муносабатларнинг дискурсив ва прагматик жиҳатлари

Иккинчи бобда олиб борилган тадқиқот нафақат анафора ва у билан боғлиқ бўлган ҳодисалар (катафора, дейксис, кореференция) ҳақидаги лингвистик қарашларнинг тараққиётини кузатиш, балки анафора ҳодисасининг янги концептуал тавсифини шакллантириш ва илмий изланишлар истиқболини аниқлаш учун мавжуд назарияларни танқидий қайта кўриб чиқиш имконини берди. Тадқиқот анафорани ўрганишда формал-структур ёндашувдан лисоний ҳодисаларнинг дискурсив ва прагматик жиҳатларини функционал нуқтаи назардан ўрганишни тарғибот этувчи кескин ўзгаришлар юзага келганини тасдиқлади.

«Француз тилида от ва сифат сўз туркумларининг репрезентатив вазифаси» деб номланган учинчи бобда анафорик от ва сифатлар ўзаро боғлиқликда кўриб чиқилди. Бундай таҳлил мазкур сўз туркумларининг вазифавий сарҳаддошлигини далиллашга асос яратади.

Олмош воситасида объектни тақдим этиш анафоранинг энг кенг тарқалган ва, эҳтимол, энг кўп ўрганилган шакли ҳисобланади. Анъанага кўра, биринчи ва иккинчи шахс олмошлардан фарқли ўлароқ, учинчи шахс кишилиқ олмошлари анафорик вазифага мослашувчан бирликлар сифатида таърифланади²⁴. Олмошли анафора тўғридан-тўғри ушбу тадқиқотнинг бевосита объекти бўлмаса-да, уни эътиборсиз қолдириб бўлмайди.

²⁴ Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка. – М.: Добросвет, 2000. – С. 116.

Француз тилида нафақат шахс олмошлари, балки бошқа детерминантлар ҳам, хусусан, артиклар (биринчи навбатда – аниқ артиклар), кўрсатиш (démonstratifs), эгалик (possessifs), сўроқ (interrogatifs) олмошлари ҳам анафорик функцияга эга. Анафорик бирликларнинг барча шакллари, бир томондан маънонинг бардавомликда ифодаланиши, яъни дискурсив изотопияни сақлашга қаратилган бўлади, иккинчи томондан эса, дискурсив хотирадаги мавжуд бирликларни воқелантирган ва уларга янги категориал маъноларни бағишланган ҳолда мазмун ривожини таъминлайди. Анафорик алоқалар нафақат матннинг уйғунлигини, балки семантик яхлитликни шакллантириш жараёнида референтни ўзгартириши ва янгидан категориялаштириш вазифасини ўтайди.

Ушбу тадқиқотда матн парчасида бирор бир от бошқаси восита тақдим этилиши мумкинлигини аниқланди. Биз от сўз туркуми худудида грамматик жиҳатдан от шаклида бўлиб, лекин номинатив эмас, балки кўрсатиш (анафорик) функциясини бажарадиган бирликлар гуруҳини ажратамиз.

Француз тилидаги анафорик отларни қуйидаги жадвалда тасвирлаш мумкин:

1 жадвал.

Француз анафорик отларининг турлари

Конверсия усулида ясалган анафорик отлар	l'un (l'une, les uns, les unes), l'autre (les autres), le premier (la première, les premiers, les premières), le dernier (la dernière, les derniers, les dernières)
Соф анафорик отлар	le chose (les choses), le truc (les trucs), le machin (les machins), le bidule (les bidules)

Француз тилида анафорик отлар соф анафорик отлар ҳамда артиклар ва сифатлар, шунингдек, сонлардан конверсия йўли билан ясалган отлар гуруҳига бўлинади. Уларнинг барчаси объект ёки шахсларни номлаш учун эмас, балки уларга ишора ёки ҳавола бериш учун хизмат қилади. Ушбу сўзларга отнинг барча грамматик категориялари хос, аммо муайян коммуникатив вазиятдагина аниқ семантик мазмунга эга бўлади.

Француз тилида соф анафорик отлар сифатида *chose*, *truc*, *machin*, *bidule* кабиларни ажратамиз. Бу отлар мустақил луғавий семантик мазмунга эга эмас, ва муайян нутқ вазияти доирасидаги объект ёки шахсни кўрсатиш учун ишлатилади.

Chose анафорик оти (ушбу функцияда мужской родда қўлланади) номаълум предмет ёки шахсни кўрсатиш учун хизмат қилади:

De nombreux groupes de la société civile ont estimé que la déclaration politique finale faisait avancer les choses dans plusieurs domaines clés, notamment la réaffirmation des promesses de 2001, le commerce, les femmes, les besoins de ressources, la santé reproductive et la réduction des risques (Corpora²⁵).

²⁵ Француз тили электрон корпуси Corpora Leipzig Collection. Электрон манзили <http://www.corpora.uni-leipzig.de/fr>

Truc оти кўпроқ сўзлашув нутқида хос бўлиб, кўпинча бетакаллуф нутқда қўлланади. У анафорик маънода аниқ номига эга бўлмаган ёки нутқ пайтида эсга олинмайдиган объектларни кўрсатиш учун хизмат қилади:

Je lui montrai d'un signe de main le câble qui était posé sur le sol et lui dit: «Comment peux-tu savoir à quoi sert ce truc avec deux fourches?» (Corpora).

Француз тилида анафорик отлар вазифада *machin* ва *bidule* сўзлари ҳам қўлланиб туради. Бу отлар номи номаълум ёки эслатилмайдиган объектни, баъзи ҳолларда шахсни ҳам кўрсатиш учун қўлланади. Ушбу отларнинг нутқий фаоллашувида камситиш (хўрлаш) хусусиятига эга бўлган мазмун ёки объектнинг (шахсининг) аҳмиятсизлиги таъкидланиши мумкин:

Comment un agriculteur peut-il savoir ce qu'est une tradescantie occidentale, une abronie de sable ou tout autre petit machin? (Corpora).

Bidule оти кўпинча муайян сабабга кўра номланиши қийин бўлган объектни кўрсатиш учун қўлланади:

Vérificateur de tension. Petit bidule de la taille d'un gros crayon, avec deux piles AA, qui «crie» lorsqu'on l'approche d'un fil sous tension (Corpora).

Лексикографик манбаларда, одатда, анафорик отларнинг грамматик кўрсаткичларидаги ўзгаришлар қайд қилинади: (*chose nm, machin nm – machine nf*). Ушбу лексемаларнинг сўзлашув, норасмий услубга тегишлилиги, фикримизча, уларнинг ёзма нутқда барқарор қўлланмаслигига асос бўлади.

Мисоллар таҳлили референт номини анафорик отларнинг воситасида тақдим этиш мумкинлиги ҳақидаги фаразни тасдиқлайди. Анафорик отларнинг олмошлари грамматик нуқтаи назардан от шаклида бўлиб, объект (шахс)ни дискурсининг маълум бир парчасида, коммуникантларнинг онгида ёки бевосита мулоқот вазиятида мавжуд бўлган унинг вербал ифодаси (референти) билан ўзаро боғлаш орқали кўрсатишга хизмат қиладиган лексик бирликлар сифатида таърифланиши мумкин.

Сифат сўз туркуми доирасида алоҳида лисоний бирликлар сифатида, белгини матндаги вербал ифодаси билан ўзаро боғлаш орқали субстанциянинг белгисини кўрсатиш учун хизмат қиладиган анафорик сифатларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Анафорик сифатлар, кўрсатиладиган белги ва репрезентант ўртасидаги боғланишни фарқлаш мезони асосида қуйидагича таснифланади:

2 жадвал.

Француз тилида анафорик сифатлар

	Ўхшашлик	Зид қўйиш	Фарқ	Продъектив
Марказ	même, identique, tel	inverse, contraire, opposé	autre, différent	le
Сарҳад	pareil, semblable, similaire, analogue, égal, comparable, équivalent	antagoniste, antonyme, antithétique, antinomique, incompatible, contradictoire	dissemblable, distinct, divers	

Субстанция белгисига мос келадиган вербал ифода матнда мавжуд бўлса, ўхшашлик муносабатига асосланадиган анафорик сифатларнинг қўлланиши кузатилади.

Même, identique ва *tel* анафорик сифатларидан субстанция белгисининг матнда вербал ифодаланган белги билан мутлоқа бир хил эканлигини кўрсатиш учун фойдаланиш мумкин:

*C'est donc désormais la coupe de l'UEFA qu'ils ont en ligne de mire, une compétition dans laquelle ils seraient reversés s'ils finissaient troisièmes du groupe, devant les Turcs qui sont dans une situation **identique*** (Corpora).

Ушбу гуруҳга тегишли баъзи анафорик сифатлар белгиларнинг тўлиқ мос келишини эмас, балки уларнинг қисман ўхшашлигини кўрсатади, холос:

*Le coût est équivalent dans des pays qui ont un développement **comparable** (12,7% du PIB en France, 12,1% en Allemagne)* (Corpora).

Субстанциянинг белгисини кўсатиш анафорик бирлик ва референт ўртасидаги зид муносабатга асосланиши мумкин. Жумладан, *inverse* сифати ҳаракатнинг тескари тартибини ёки тескари йўналишини кўрсатади:

Mais comment avez-vous fait pour charger ce grand coffre?

*- Nous avons d'abord installé le coffre sur la charrette, puis nous y avons mis les outils les uns après les autres; maintenant nous allons faire l'opération **inverse!*** (M. Pagnol).

Contraire сифати ҳам белгиларнинг қарама-қаршилигига таянади:

- Le Bossu est arrivé. Avec sa femme et sa fille. Tout un déménagement. Ils sont en train de s'installer.

*- Il ne faut pas toujours croire le pire. Un jour ou l'autre tu verras revenir cette charrette pour faire le déménagement en sens **contraire!*** (M. Pagnol).

Opposé сифати фақат контекстнинг маълум қисмидагина анафорик бирлик мақомида баҳоланиши мумкин. Бундай ҳолларда анафорик сифатни аниқ ажратиш учун референт вазифасида хизмат қиладиган лисоний ифода контексти зарур бўлади:

*Macron – Le Pen : **des programmes diamétralement opposés***

On ne trouve quasiment aucune similarité dans les programmes des deux qualifiés pour le second tour de la présidentielle. Que ce soit sur les questions économiques, européennes ou sur l'immigration, la famille ou la culture (Corpora).

Гуруҳнинг сарҳадидан жой оладиган бирликлар камроқ, асосан расмий ва илмий матнларда учрайди.

«Фарқ» умумий кўрсаткичи асосида бирлаштирилган анафорик сифатлар белгининг матндаги вербал ифодаси билан ўзаро боғланишда бўлган ҳолда субстанция белгисининг мос келмаслигини кўрсатади. Айтиш жоизки, бу ерда «фарқ» тушунчаси, фарқ нимадан иборат эканлигини аниқламасдан, балки субстанцияларнинг ўзаро ўхшаш эмаслигини кўрсатади:

*Il s'aperçut bientôt que ses forces grandissaient chaque jour, et que l'air des collines faisait de lui un **autre homme*** (M. Pagnol).

Autre сифати сўзловчи кўриб чиқиладиган объектлар доирасини торайтириш эҳтиёжини сезган ҳолатларда ҳам кенг қўлланади. Бунда *ne pas*

avoir d'autre(s) N que ёки *sans autre(s) N que* инкор синтактик тузилмалари ишлатилади. Масалан:

Notre pauvreté passagère nous force depuis quelque temps à ne consommer que les produits de la saison, et surtout les produits sauvages, nés de la terre de Bon Dieu, sans autre engrais que l'humus naturel (M. Pagnol).

Бундай тузилмаларда анафорик сифат томонидан белгиси кўрсатилган субстанция ҳар доим тур тушунчасини ифодаловчи референтга нисбатан хил тушунчасини ифодалайди: *engrais* (тур тушунчаси) – *humus* (хил тушунчаси). Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, сўзловчи субъект дастлаб субстанцияни тур даражада тасвирлайди ва кейин уни хилма-хиллик даражасида торайтиради.

Субстанция белгисининг фарқини кўрсатиш яна *différent* анафорик сифати билан ҳам амалга оширилади:

Elle jouait du violon dans un style différent de ce que l'on peut entendre d'habitude, elle utilisait cet instrument pour faire du rock&roll (Corpora).

Distinct ва *divers* сифатлари ҳам субстанциянинг фарқ қилувчи белгиларини кўрсатиш учун хизмат қилади, шу сабабли улар ҳам анафорик сифатлар тарзида баҳоланиши мумкин:

«La difficulté est de trouver assez de spécialistes dans des domaines aussi divers que les techniques médicales, de l'environnement ou l'automobile», explique Christoph Tobler (Corpora).

Муайян шароитларда сифат *le* шакли воситасида тақдим этилиши мумкин:

La petite Manon était vraiment jolie, et contente de l'être (M. Pagnol).

Сифатнинг олмош туркумига кўчиши шу пайтгача махсус тадқиқотнинг объекти бўлмаган. Амалга оширилган тадқиқот *le* проадъективини грамматик жиҳатдан олмош, функционал жиҳатдан эса, унинг айнан субстанция белгисини кўрсатиш учун қўлланилиши сабабли, сифат тарзида аниқлаш кераклигини тасдиқлашга имкон берди. Соф лексик маъносини йўқотган *le* француз тилида ҳар қандай аслий ҳамда нисбий сифатни тақдим этишга қодир.

От ва сифатларнинг репрезентатив вазифасини ўрганиш якунида уларнинг матн таркибида намоён бўладиган хусусиятлари борасида қуйидаги хулосаларга келинди.

Анафорик отлар бир объект (шахс)ни матннинг муайян парчасида ифодаланган бошқа объект ёки коммуникантларнинг онгида ва дискурсив хотирасидаги мавжуд образ ҳамда бевосита коммуникатив вазиятда иштирок этаётган ва коммуникантлар томонидан сезги органлари орқали идрок этиладиган объектнинг ўзи билан боғлаш орқали кўрсатиш хизматини бажаради. Прагматик нуқтаи назардан қаралганда эса, анафорик отлар матннинг муайян худудидан жой олган объектни таъкидли кўрсатиш ва уни нутқ адресатининг дискурсив хотирасида сақлаш воситасига айланади.

Анафорик сифатлар субстанция белгисини матннинг худди ўша қисмида ифода топган белги билан ўзаро боғланишини аниқлаш орқали кўрсатиш учун хизмат қилади. Анафорик сифатларнинг референти ҳар доим ҳам сифат

кўринишида бўлмасдан, кўпинча от синтагмаси, баъзан гап ёрдамида ҳам ифодаланади. Анафорик сифат тавсифлайдиган от ва семантик манба бўлиб хизмат қиладиган матн парчаси, одатда, кореферент муносабатлар билан боғланган анафорик сифат билан ўзаро боғланган, от, ўз навбатида, референтли синтагманинг от қисмига нисбатан гипероним бўлади. Бу демак, субстанция белгисига нисбатан бериладиган ишора субстанциянинг ўзини анафора камровига олиш намунасидир. Бу дискурснинг муайян ҳудудида анафорик сифатдан фойдаланиш нафақат субстанция белгисининг, балки субстанциянинг ўзи ҳам дискурсив аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

«Француз тилида феъл ва равишнинг репрезентатив вазифаси» деб номланган тўртинчи бобда феъл ва равишнинг функционал яқинлигини ҳисобга олган ҳолда, вербал ва адвербал анафоранинг бир-бирига боғлиқ жиҳатлари тадқиқи амалга оширилди.

Анафорик феъл (репрезентант) олдинги матн парчасида зоҳиран ифодаланган ҳаракатга ҳавола этиш воситаси кўринишида фаоллашади. Референт сифатида кўрсатилаётган ва анафорик феъллар семантик ҳажмининг бир-бирига мос келиш ҳолатларида адекват феъл анафораси юзага келади; ишора қилинаётган феъл томонидан ифодаланган ҳаракатнинг кўшимча категориал маънолари ҳақида хабар бераётганида эса бу ҳодиса ноадекват феълли анафора мақомида баҳоланади.

3 жадвал.

Француз тилида анафорик феъллар

Адекват феълли анафора	Ноадекват феъл анафораси				
	Ҳаракатнинг амалга оширилиши	Ҳаракатнинг ўхшашлиги	Ҳаракатга муносабат	Ҳаракат фазаси	Ҳаракатнинг модаллиги
(le) faire	réussir, parvenir, éviter	imiter	accepter, obéir, essayer, tâcher, refuser, hésiter	commencer, reprendre, continuer, poursuivre, y aller, durer, finir, cesser, (s')arrêter	falloir, devoir, vouloir, pouvoir

Адекват феълли репрезентант сифатида битта ҳаракатни ёки баъзан ҳаракатлар мажмуини ҳам кўрсатишга қодир бўлган *faire* эврисемик феълли кўлланади:

Alors, il vint au pied du pin, posa sa musette sur le tapis de ramilles sèches, s'assit adossé au tronc de l'arbre, ôta son béret, et déboucla son déjeuner: il prit d'abord une bouteille de vin, qu'il appuya, à demi couchée, sur une grosse pierre, puis un goblet argenté, puis un saucisson. L'ânesse le regargait faire très intéressée (M. Pagnol).

Ушбу феъл *le* нейтрал олмоши ҳамда *ce/cela/ça* кўрсатиш олмошлари билан ҳам тўлдирувчи, ҳам эга сифатида бирикиши мумкин:

*Je vais descendre les tonneaux et on les roulera près des fosses, dit Rapace. En deux fois, **ce sera fait** (J.-F. Parot).*

Шунингдек, *se faire* ўзлик феълининг анафорик вазифада келиши ҳолатлари ҳам қайд қилинади:

*«Ça vous donnera déjà un brave travail... Rien que pour nettoyer les cages, **ça ne se fait pas tout seul!**» (M. Pagnol).*

Олиб борилган таҳлил анафорик феълларнинг фаоллашуви, кўпинча, синтактик куршовга асосланишидан дарак беради. Бинобарин, бу ҳолат қуйидагиларда кўзга ташланади: 1) феълларга нисбатан қўлланадиган *ne faire que* чекловчи ибора; 2) (*vite/bien/mieux*) *faire de + Inf.* колипидаги тузилма; 3) предикатга савол қўйилганида қўлланадиган *Qu'est-ce que / Que* сўроқ қурилмаси; 4) нутқни ҳиссий жиҳатдан кучайтирадиган *quoi que + Subj.* тўсиқсиз тузилмаси.

Ноадекват феълли анафора ҳосил бўлганда феъл-репрезентант ҳаракатнинг категориал маъноларидан бирини ифодалаши мумкин (қаранг: Жадвал 3).

Бажариб бўладиган ҳаракат маъноси *réussir, parvenir, éviter* анафорик феъллари воситасида ифодаланади:

*Il emmènerait sa sœur faire les courses au village, tout à l'heure, achèterait les journaux, des cigarettes, reviendrait lire sur la terrasse avant de déjeuner, essaierait de faire la sieste ensuite sans y **parvenir** (F. Sagan).*

Мулоқот иштирокчиларининг у ёки бу ҳаракатга нисбатан муносабати анафорик вазифани бажарадиган *accepter, obéir, essayer, tâcher, refuser, hésiter* феъллари кўмагида ифодаланади. Масалан:

- *Je n'ai plus envie de travailler, je n'ai plus envie de bouger. Ma seule envie, c'est de passer mes journées, seul dans mon lit, les draps sur ma tête. Je...*

- *Tu **as essayé?***

- *Bien sûr. Mais pas longtemps (A. Nothomb).*

Ҳаракатни амалга ошириш фазасини кўрсатадиган феъллар ҳам анафорик вазифа ижрочисига айланиши кузатилади:

- *Tu devrais dresser une liste de ses amis.*

- ***J'ai commencé.***

- ***Continue** (G. Simenon).*

Ҳаракат фазаларининг фарқланишини ҳисобга олиб, биз анафорик мақомда мунтазам қўлланадиган фазис феълларининг гуруҳини аниқладик. Масалан, *commencer* ҳаракатнинг бошланғич фазасини кўрсатган ҳолда, репрезентант вазифасида фаоллашади; *reprendre, continuer, poursuivre, y aller, durer* анафорик феъллари ҳаракатнинг давом этишига ишора қилади; *finir, cesser, (s')arrêter* феъллари, ўз навбатида, ҳаракатнинг тугаши ёки узилишини кўрсатган ҳолда анафорик бирлик ўрнини эгаллайди.

Тадқиқот жараёнида нутқ актини кўрсатиш мақсадида анафорик вазифада мунтазам равишда қўлланадиган фазис феълларининг (*faire, commencer, continuer, poursuivre, reprendre, se reprendre*) гуруҳи ажратилди:

Il ne faut pas que cela se fasse, Elsa. Il souffre déjà. Ce n'est pas une chose possible, vous le comprenez bien.

- *Oui, dit-elle.*

Je vous attendais, repris-je. Il n'y a que vous qui soyez de taille à lutter contre Anne (F. Sagan).

Ушбу гуруҳдаги феъллар анафорик вазифани бажараётганида репрезентантнинг матндан зоҳиран ўрин олишига унчалик ҳожат йўқ, чунки анафорик феълларнинг мазмун ва мақоми коммуникатив вазиятдан келиб чиқиб англашилади.

Анафорик вазифада ишлаётган модал феъллар (*falloir, devoir, vouloir, pouvoir*) фақат феълли синтагманинг ўрнини эгалламасдан, балки унга кўшимча (модал) маънони бағишлаб, шахсга ёки воқеликка муносабатни ҳам намоён қилади:

- *J'ai failli la tuer. J'aurais dû.*

- *Vous n'auriez pas pu* (B. Vian).

Модал феълли анафорани тадқиқ қилишда ушбу гуруҳдаги феъл-репрезентантларининг таснифий хусусиятларини инобатга олиш долзарбдир, зеро улар феъл эллипсиси ҳолатларига оид бўлиши билан биргаликда, «нол» анафоранинг алоҳида тури бўлиши ҳам мумкин. Модал репрезентантлардан фойдаланиш баъзан синтактик-семантик қолипнинг моддий асоси бузилишига олиб келиши сабабли феъл эллипсисига яқин ходисадир. Кўриб чиқилаётган ҳолатларни анафора қаторида таснифлайдиган ва модал феъл-репрезентантларни «нол тўлдирувчи анафора» (NSA – Null Complement Anaphora) деб баҳолайдиган тадқиқотчилар, хусусан, В.Чаонинг фикри²⁶ бизнинг кузатишларимизда ўз тасдиғини топди.

Феълли анафорани француз тилида яхлит тизим кўринишида тавсифлаш унинг доимий характерга эгаллигини ва қўлланишидаги такрорий узвийлигини кўрсатади. Феълли анафора, адекват ёки ноадекватлигидан қатъий назар, дискурснинг алоҳида қисмида баён қилинаётган ҳаракатни мазмун референти сифатида қабул қилиш ва унга ҳавола қилиш орқали ҳаракат жараёнини белгилаш усулидир. Анафорик феъл кўрсатган ҳаракат айнан шу матн майдони доирасида қийматга эга, анафорик феъл эса адресатнинг дискурсив хотирасида шу мазмун қийматини заҳирага олиш воситасидир.

Эътироф этилганки, равишнинг семантик моҳияти ҳаракат, жараён, ҳолат белгисини ифодалаш билан боғлиқ ва бу унинг бирламчи синтактик вазифасидир. Равишнинг феъл билан функционал боғланганлигини таъкидлаган ҳолда, биз адвербиал ва вербал анафора ўртасидаги узвий боғлиқликни аниқлаймиз.

Тилшунослар фарқлаш мезони сифатида белгини ифодалаш усулини танлаб, анафорик равишларни бошқа (масалан, аниқловчи) равишлардан ажратиб олиш имкониятини таъкидлаб келмоқда²⁷. Шу тарзда, қуйидаги маъно хусусиятларига эга анафорик равишлар турлари ажралиб туради: а) ҳаракат тарзи; б) ҳаракат ҳажми ва/ёки интенсивлиги; в) ҳаракат вақти ва г)

²⁶ Chao W. On Ellipsis. Ph. D. Dissertation. - New York, 1988. - P. 89.

²⁷ Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка. – М.: Добросвет, 2000. – С. 201-202.

ҳаракат макони. Ҳаракат белгиси лисоний ифодага эга бўлган матнда анъанавий равишда чап (катафорик) позицияни эгаллайдиган *combien? pourquoi? quand?* ва ҳ.з. сўроқ равишлари алоҳида гуруҳни ташкил қилади:

4 жадвал.

Анафорик равишларнинг таснифи

	Тарз равишлари		Ҳаракатнинг ҳажми/интенсивлиги равиши	Пайт равиши	Ўрин равиши
	Айнанлик муносабати	Фарқ муносабати			
марказ	<i>ainsi, aussi</i>	<i>autrement, différemment</i>	<i>autant, plus, davantage</i>	<i>avant, autrefois, alors, depuis, désormais</i>	<i>là (+ formes dérivées), ailleurs</i>
сарҳад	<i>pareillement, également</i>				

Айнанликка ишора қилувчи *ainsi, aussi* анафорик равишлари матнда лисоний воқеланган ҳаракат тарзи билан бир хил ёки ўхшаш ҳаракат тарзини кўрсатади:

- *Comment vas-tu faire?*

- *Eh bien, je vais tout simplement utiliser une mèche de huit mètres, qui aboutira au bord du puits. Ainsi, je ne risquerai pas de tomber d'échelle en remontant après la mise à feu* (M. Pagnol).

Autrement ва *différemment* равишлари ҳаракат белгисининг олдинги ёки кейинги контекстда ифодаланган ҳаракат белгисидан фарқини кўрсатади:

Le Théâtre national populaire procède **différemment** *suivant qu'il joue en plein air ou à huis clos* (Corpora).

Айрим тадқиқотчилар ўрин равишларини предлоглар ва предлогли тузилманинг ўриндоши сифатида кўриб тавсифлайдилар²⁸, аммо тадқиқотимиз гувоҳлик беришича, субституция анафорик вазифани амалга оширишнинг алоҳида кўринишидир, чунки анафорик ўрин равишлари ҳаракат белгиларини алмаштирмасдан, балки уларнинг лисоний ифода топган референтига ҳавола қилади.

Là ва *ailleurs* ўрин равишлари анафорик вазифада мунтазам қўлланади ва бунда *là* равиши матнда кўрсатилган жой (ўрин)га ишора қилса, *ailleurs* бирлиги ишора қилаётган жой (ўрин)нинг эса матнда эслатилган бўлиши шарт эмас. Масалан:

Le Papet alla se cacher en haut de la petite barre, juste au-dessus de la source, derrière un rocher touffu. De là, il pouvait surveiller le paysage et diriger le travail (M. Pagnol);

Il n'est pas possible de faire une si belle carrière en restant aux Bastides. Mais les Testard, qui étaient allés piocher ailleurs une terre moins ingrate, avaient ainsi diffamé le sol natal, et trahi l'honneur du village (M. Pagnol).

Ўрин равишларининг бирикмалари ва дериватлари ҳам анафорик вазифани ўтайди. Масалан, *là-haut* бирикмаси анъанавий равишда

²⁸ Borillo A. Prépositions de lieu et anaphore // Langages. – 1993. - 27^e année. №110. - P. 27- 46.

кузатувчидан юқорида жойлашган объектни кўрсатади, аммо *là-bas* равишининг қўлланиши ҳар доим ҳам кузатувчи-субъектнинг юқорида, кузатилаётган объектнинг эса пастда жойлашиши лозимлигини назарда тутмайди. Бу равиш бирикмаси фақат кузатувчи ва объект турган жойдаги фаркни кўрсатади. *Là* равиши *ci et là* бирикмасида ҳам қўлланиши мумкин, бунда, *ci* субъект (кузатувчи)га яқин жойлашган объектга, *là* равиши эса ундан узокдаги объектга ишора қилади.

Avant, autrefois, alors, depuis, désormais анафорик равишлари матнда вақт локализациясининг лисоний ифодасига ҳавола қилиш орқали, ҳаракатнинг олдин, бир вақтда ёки кейин содир бўлганини кўрсатиш вазифасида фаоллашади.

Alors равиши вақтнинг референт лаҳзасига тўғри келадиган даврни кўрсатади:

*L'inauguration a eu lieu en février en présence de Claude Béchar, **alors** ministre du Développement durable, de l'Environnement et des Parcs* (Corpora).

Шунингдек, *avant* ва *autrefois* равишлари вақтнинг референт давридан олдин содир бўлган ҳаракат, воқеани кўрсатади:

*La dernière chose que j'ai vue, c'était la carriole du père Camoins qui emportait les mariés au grand galop. Et alors, depuis ce jour-là, ceux de Crespin, c'est bien plus pire qu'**avant**, et Florette, à ce qu'il paraît que dans un rien de temps elle est devenue plus crespinoise que Crespin!* (M. Pagnol)

Бошқа гуруҳлардаги равишларнинг бажарадиган анафорик вазифаси ҳам ўзига хос мундарижага эга бўлиб, улар ўртасидаги функционал номутаносибликлар контекст талаблари билан бир қаторда, луғавий маъно ҳамда синтактик қуршов аломатлари билан боғлиқ ҳолда изоҳланади. Жумладан, *désormais* ва *depuis* анафорик равишлари дискурсининг шу қисмида лисоний ифодаланган вақтнинг бевосита референт давридан кейин келадиган вақт оралиғини кўрсатади. *Depuis* равиши вақтнинг референт даври ўтмишда қолган ҳолатларда қўлланади. Масалан:

*À la fin des années 1960, Dominique Bosquier rencontre François Fontan, fondateur du Parti nationaliste occitan, et le poète Antonio Bodrero. **Depuis**, elle s'intéresse à la question de l'identité ethnique et linguistique occitanes* (Corpora).

Француз тилидаги *désormais* пайт равиши вақтнинг бевосита референтли давридан кейин келадиган вақт оралиғини белгилайди:

*23/1/2007. Une faille de sécurité vient d'être corrigée. **Désormais**, les internautes extérieures ne peuvent plus poster des pièces jointes sans avoir été validés et seuls les administrateurs peuvent poster des pièces jointes en php* (Corpora).

Амалга оширилган тадқиқот феъл ва равиш анафорасининг ўзаро алоқаси ва боғлиқлик хусусиятларини аниқлаш имконини берди. Анафорик феъл функционал нуқтаи назардан дискурсив қийматга эга бўлган ҳаракатни тақдим этади ҳамда ушбу ҳаракатнинг лисоний ифодасига ҳавола бериб, шу тарзда уни дискурсив хотирада қайта воқелантиради. Бундай вазифа фаоллашуви жараёнида анафорик феъл асл семантик ҳажмни сақлаб қолади (адекват феълли анафора) ёки қўшимча категорияил маъноларни ифодалайди

(ноадекват феълли анафора). Равишли анафора матннинг ўша сегментида вербаллашган, тўғридан-тўғри коммуникантлар томонидан кузатиладиган ёки уларнинг онгида (дискурсив хотирада) сақланадиган белгининг лисоний ифодаси билан боғланиш орқали ҳаракат (жараён)нинг белгисига ишора қилади. Ҳар қандай турдаги анафорик равиш дискурсининг мазкур сегменти доирасида қийматга эга бўлган ва дискурсив мазмун шаклланишида муносиб ўринга эга бўлган ҳаракат (жараён) белгисини кўрсатади ва адресатнинг хотирасида дискурсив қийматни сақлаб қолиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

ХУЛОСАЛАР

1. Матннинг қисмлари ўртасидаги анафорик муносабатлар, мос равишда, улар жойлашган қисмларнинг бирикуви мустаҳкамлиги ва яхлитлигини таъминлайди, худди шунингдек, қисмлар ўртасидаги мантиқий алоқаларни аниқлайди ҳамда таниш ахборотни янгиси билан боғлаш имконини беради. Анафорик бирликлар дискурсив хотира, таъкид ва қиймат категорияларини фаоллаштириш, хусусан, ушбу матн доирасида алоҳида маънога эга бўлган элементларни хотирада сақлашни таъминлаш ҳамда уларга ишора воситаси экани ҳам аниқланди.

2. Прагматик нуқтаи назардан талқин қилиш анафорик бирликни объект (референт)га ишора этадиган ва ўқувчи онгига таъсир ўтказадиган ҳамда оқибатда унинг мулоқот стратегиясини таъминлайдиган нутқий феномен сифатида талқин қилиш имконини берди.

3. Анафорик бирликнинг бажарадиган вазифалари таркибини мулоқот кечишида юзага келадиган прагматик мазмун нуқтаи назаридан, дискурсив хотира назариясини жалб қилган ҳолда кўриб чиқиш орқали аниқлаш мумкин. Мазкур ёндашувдан фойдаланиш анафора референти ўрнини оладиган элементнинг ҳар бир нутқий тизилмада муайян маънога эга эканлигини ва дискурсив мазмун марказида бўлишини, анафорик бирлик эса тингловчининг дискурсив хотирасида ахборот қийматини сақлаш воситаси сифатида хизмат қилишини исботлашга имкон берди. Демак, анафорик бирликни тавсифлаш ва талқин қилиш нафақат лингвистик, балки когнитив жараён ҳамдир.

4. Танқидий таҳлил ёндашуви анафорани унга сарҳаддош дискурсив ҳодисалардан фарқлашга имкон берди. Хусусан, анафорик бирликлар, кореферент бирликлардан фарқли ўлароқ, номустақиллиги, асимметриклиги, ўтимсизлиги ва қайтарилмаслиги билан тавсифланади. Катафора фақат анафоранинг позицион муқобили сифатида қаралмаслиги лозим, чунки бу икки ҳодиса онтологик, ахборот ва шаклий жиҳатларда бир-биридан фарқ қилади.

5. Мустақил сўз туркумларининг репрезентатив вазифасини мажмуавий таҳлил қилиш субстантив ва адъектив анафоранинг, шунингдек, вербал ва адвербал анафоранинг ҳам ўзаро алоқаси ва боғлиқлигини намоён қилишга имкон туғдирди.

6. Коммуникация шароитида от ўрнини, олмошдан ташқари, анафорик от ҳам эгаллаши мумкин. Тадқиқотда конверсия (*l'un, l'autre, le premier, le dernier* ва б.) йўли билан ясалган анафорик француз отлари ва соф анафорик отлар (*chose, truc, machin, bidule*) алоҳида гуруҳларни шакллантиради. Мазкур гуруҳдаги бирликлар грамматик нуқтаи назардан от туркумига оид бўлса-да, лекин ўзлексик маъносига эга эмас. Улар матннинг маълум қисмида зоҳиран ифода топган ёки коммуникантларнинг дискурсив хотирасида мавжуд бўлган ва мулоқот вазиятида идрок этиладиган объектни кўрсатиш учун хизмат қилади. Сўзловчи тўлиқ маъноли отлардан объектни номлаш учун фойдаланиши мумкин бўлмаган ёки атайлаб истамаган ҳолатларда мунтазам равишда соф анафорик отлар қўлланади. Шунингдек, улардан нутқда фойдаланиш атайлаб камситиш ёки менсимаслик аломатларига эга бўлиши мумкин.

7. Субстанциянинг белгиси худди шу матнда лисоний ифодаланган ёки коммуникантлар томонидан бевосита кузатилиши мумкин бўлган референтга ҳавола этадиган анафорик сифатлар воситасида тақдим этилиши мумкин. Анафорик сифатнинг референти сифат сўз туркумига оид бирлик билан бир қаторда, тавсифловчи тузилма билан ҳам ифодаланиши мумкин. Семантик жиҳатдан анафорик сифат ва референт айнанлик, фарқ ва қарама-қарши қўйиш муносабатлари билан боғланган бўлади. Анафорик сифатларнинг ҳар бир кичик гуруҳи доирасида марказ ва сарҳад бирликларини фарқлаш зарур. Француз тилида грамматик жиҳатдан олмош вазифасида қўлланиладиган *le* про-адъективини биз анафорик сифат тарзида баҳолаймиз, чунки у субстанция белгисини матннинг худди ўша қисмида унинг доимий лисоний ифодаси билан ўзаро боғлаш орқали кўрсатади.

8. Анафорик феъл ҳаракат референтига, яъни матннинг айнан ўша қисмида лисоний ифодаланган ёки коммуникантлар томонидан кузатиладиган ҳаракатнинг ўзига ҳавола вазифасини бажаради. Анафорик ва референт феълларининг маъно кўлами бир хил бўлганида адекват анафора ҳолати юзага келади. Бунда репрезентант сифатида доимо қўлланиладиган *faire* феълининг фаоллашуви синтактик тузилманинг талабларига боғлиқ. Анафорик феъллар томонидан кўшимча категориал маънолар (амалга ошиш/амалга ошмаслик, айнанлик, иштирокчининг ҳаракатга муносабати, ҳаракатнинг фазаси ва модаллиги)нинг ифодаланиши анафоранинг ноадекватлигини англатади.

9. Ҳаракат ёки жараён белгиси анафорик равиш воситасида матннинг маълум қисмида белгини лисоний ифодалайдиган референтга ҳавола қилиш орқали кўрсатилиши мумкин. Тадқиқотда анафорик равишлар ҳаракат тарзи, интенсивлиги/ҳажми, пайти ва ўрнини воқелантирувчи равишларга тақсимланиб, ҳар бир гуруҳ марказ ва сарҳад бирликларига ажратилган. Мулоқот матнида анафорик равишларнинг қўлланиш назоратини таъминловчи омиллар таҳлили референтнинг равиш ёки тавсифловчи тузилма воситада кўрсатилиши мумкинлигидан гувоҳлик беради.

10. Етакчи сўз туркумларининг таркибида анафорик вазифа бажарадиганларининг сони бир хил эмас. Референт ва анафорик бирликнинг

ягона бир сўз туркумига оидлиги қайта воқелантиришнинг асосий талаби эмас, зеро анафорик от ва феълларнинг референти ягона сўз туркуми майдонида жойлашса, анафорик сифатнинг референти кўпинча от синтагмаси худудидан жой олади. Шунингдек, анафорик равиш эса феъл синтагмасидан узоклашмайди. Тил тизимида *le* шакли грамматик жиҳатдан олмош билан боғланиб, функционал жиҳатдан эса сифат кўрсаткичига эга бўлиши француз тилининг идиоэтник белгисидир.

11. Анафора универсал дискурсив-прагматик вазифа соҳиби сифатида барча мустақил сўз туркумлари кўламида фаоллашади. Анафора мулоқот иштирокчилари томонидан бевосита кузатилиши мумкин бўлган ёки уларнинг дискурсив хотирасида сақланадиган референтга ҳавола қилиш орқали субстанция (субстанция белгиси) ёки жараён (жараён белгиси)нинг кўрсаткичи мақомида тавсифланади. Референт дискурсининг муайян қисмида алоҳида қийматга эга ва коммуникатив мазмун марказида туради. Шу сабабли, анафорик бирлик прагматик жиҳатдан референт коммуникатив моҳиятини белгилайди ҳамда уни нутқ адресатининг дискурсив хотирасида сақлаш воситасига айланади.

12. Анафорик бирликлар билан боғлиқ қатор бошқа ҳолатлар тадқиқи диққатга сазовордир. Жумладан, анафорик сифат ва равишларнинг референтлари лисоний воқеланиши ҳолатларини ҳар томонлама ўрганиш истиқболдаги вазифалардандир. Зотан, асосий эътибор шу пайтгача фақат от ва феъл синтагмаларига қаратиб келинмоқда. Шунингдек, анафорик бирликларнинг турли мулоқот муҳитларида (оғзаки нутқ, турли стилдаги мулоқот матнлари, интернет-мулоқот) фаоллашуви шарт-шароитлари тадқиқ кўламини кенгайтириш лозим. Гумонсиз, анафора ҳодисасининг умумий, хусусий, миллий-маданий белгиларини фарқлаш мақсадини кўзлайдиган киёсий ва чоғиштирама тадқиқотларни амалга ошириш давр талабидир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.26.04.2018.Fil.01.10 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА, САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ИНСТИТУТЕ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ, АНДИЖАНСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ
ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

КИСЕЛЁВ ДМИТРИЙ АНАТОЛЬЕВИЧ

**ДИСКУРСИВНО-ПРАГМАТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ
РЕПРЕЗЕНТАТИВНОЙ ФУНКЦИИ ЗНАМЕНАТЕЛЬНЫХ
ЧАСТЕЙ РЕЧИ ФРАНЦУЗСКОГО ЯЗЫКА**

10.00.04 – Языки и литература народов Европы, Америки и Австралии

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Ташкент – 2019

Тема докторской диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан (рег. № B2017.3.DSc/Fil83).

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном институте иностранных языков.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.nuu.md.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант: **Сафаров Шахриёр Сафарович**
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Ашурова Делярам Умаровна**
доктор филологических наук, профессор

Алексеева Елена Альбертовна
доктор филологических наук, профессор

Исламджанова Хазифахон
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация: **Бухарский государственный университет**

Защита состоится «___» _____ 2019 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.26.04.2018.Fil.01.10 при Национальном университете Узбекистана, Самаркандском государственном институте иностранных языков, Андижанском государственном университете. Адрес: 100174, г. Ташкент, улица Фароби, 400. Тел: (99871) 246-08-62; (99871) 227-10-59; факс: (99871) 246-65-24; e-mail: nauka@nuu.uz. Национальный университет Узбекистана, факультет зарубежной филологии (1-ый этаж, аудитория 112).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (рег. № ____). Адрес: 100174, г. Ташкент, улица Университетская, 4. Тел: (+99871) 246-08-62, (99871) 246-67-71.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.

(реестр протокола рассылки № ____ от «___» _____ 2019 года).

А.Г. Шереметьева

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней,
док. филол. наук, профессор

Ш.О. Назирова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней,
канд. филол. наук, доцент

И.А. Сиддикова

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, док. филол. наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Поиск и разработка новых подходов, направленных на решение таких сложнейших вопросов, как функционирование языковых единиц в процессе текстопостроения и речепроизводства является важной задачей мирового языкознания. Репрезентативная, или анафорическая функция языковых единиц играет ключевую роль в обеспечении связности речи и, как следствие, ее адекватном восприятии и интерпретации. Это обстоятельство определяет тот факт, что изучение анафорических единиц и выявление их дискурсивно-прагматической значимости относится к насущным проблемам современной лингвистической науки. В свете этого актуальным представляется исследование анафорической функции единиц, относящихся ко всем знаменательным частям речи, а также уточнение прагматической целеустановки употребления анафорических единиц в процессе речевой деятельности.

В настоящее время исследовательская деятельность многих ведущих научных центров в сфере лингвистики направлена на изучение функциональной составляющей единиц речи. Факты языка и речи также рассматриваются в когнитивном, социолингвистическом и прагмалингвистическом аспектах, а также в сопоставительно-типологическом плане. Особое внимание уделяется вопросам структурирования речи и реализации коммуникативной и речевоздействующей интенции говорящего (пишущего), а также стратегиям, к которым прибегает слушающий (читающий) для осмысления речи. Вместе с тем, в рамках теоретических и прикладных исследований в сфере компьютерной лингвистики и автоматической обработки естественных языков разрабатываются и совершенствуются алгоритмы автоматической идентификации и интерпретации элементов текста, в первую очередь анафорических единиц.

В годы независимости Республики Узбекистан особое внимание в сфере теоретического и прикладного языкознания стало уделяться изучению функциональных аспектов языковых единиц как научной базы совершенствования практических навыков при изучении иностранных языков. Акцент на улучшение коммуникативных компетенций изучающих иностранные языки в рамках государственной политики в сфере образования и подготовки высококвалифицированных национальных кадров отчетливо прослеживается на всех уровнях системы образования. В этой связи, «мы должны дать достойное образование нашему молодому поколению, стимулировать его интерес к науке и знаниям»¹.

Переход отношений между Республикой Узбекистан и Францией на качественно новый уровень обуславливает рост взаимного доверия и формирование устойчивой тенденции взаимовыгодного сотрудничества. Достиженные договоренности открывают новые перспективы и направления взаимодействия в сфере науки и образования. В частности, особую значимость

¹ Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису от 28.12.2018 г. Режим доступа <http://president.uz/ru/list/view/2228>

приобретают исследования, направленные на тщательное изучение дискурсивных и прагматических параметров речи с целью повышения эффективности коммуникации.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных рядом нормативно-правовых актов, таких как Закон Республики Узбекистан от 29 октября 2019 года «О науке и научной деятельности», Постановления Президента Республики Узбекистан ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» и ПП-3775 от 5 июня 2018 года «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах», Указы Президента Республики Узбекистан УП-5712 от 29 апреля 2019 года «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года» и УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №610 от 11 августа 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию качества обучения иностранным языкам в образовательных учреждениях» и другими нормативно-правовыми документами, регулирующими сферу научных исследований и совершенствования системы высшего и послевузовского образования.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан: 1. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации по социальному, правовому, экономическому, культурному, духовно-просветительскому развитию информационного общества и демократического государства».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². Изучение репрезентативной функции и анафорических единиц французского языка, проводимое в ведущих научно-исследовательских центрах и высших образовательных учреждениях мира в теоретическом и практическом плане, привело к получению значимых научных результатов, в том числе: определены виды референтных и кореферентных связей в пространстве текста (Université de Stasbourg II, Франция), выявлена роль анафорических связей в рамках обеспечения связности и когерентности текста (Université de Toulouse II, Франция), определены механизмы реализации местоименной анафоры, а также условия интерпретации анафорических единиц в дискурсивном пространстве (Université de Rennes II, Франция), составлена типология анафорических единиц в рамках разработки алгоритмов автоматической обработки текста (Institut National des Recherches en Informatique et Automatique, Франция), предложены механизмы интерпретации

² Сведения представлены на основании материалов веб-сайтов университетов www.unistra.fr, www.univ-tlse2.fr, www.univ-rennes2.fr, www.inria.fr, www.crisco.unicaen.fr, www.unil.ch, www.uclouvain.be, www.brown.edu, www.msu.ru, www.lingua.net

анафорических единиц в контексте (лаборатория CRISCO, Centre de Recherches Inter-langues sur la Signification en Contexte при Université de Caen, Франция), определены принципы структурной организации и сегментации текста (Université de Lausanne, Швейцария), предложены методы анализа текста и дискурса (Université de Louvain, Бельгия), определены основные направления и этапы изучения анафорических единиц в мировом языкознании (Brown University, University of Colorado, США), разработаны принципы отбора референта анафорической единицы (Московский государственный университет, Россия), определены принципы интерпретации анафорической единицы в условиях вербальной и невербальной коммуникации (Московский государственный лингвистический университет, Россия). Исследование различных аспектов анафоры и смежных с ней явлений осуществляется в ряде вузов Узбекистана³, в результате чего, в частности, разработаны модели анализа отдельных видов текста (Национальный университет Узбекистана), выявлены когнитивные аспекты интерпретации единиц текста (Узбекский государственный университет мировых языков), раскрыт репрезентативный (анафорический) потенциал частей речи (Самаркандский государственный институт иностранных языков).

В настоящее время в рамках изучения анафорической (репрезентативной) функции частей речи приоритетные исследования ведутся в таких направлениях, как определение соотношения и взаимного расположения анафорической единицы и референта (антецедента) на внутри- и межфразовом уровне, дифференциация анафоры и смежных явлений, выделение анафорических единиц во всех частях речи и их систематизация, изучение стилистического и когнитивного аспектов функционирования анафорических единиц в тексте, определение условий устойчивого употребления анафорических единиц, определение роли анафоры в реализации ключевых категорий текста, изучение прагматического потенциала анафорических единиц.

Степень изученности проблемы. С античных времен анафора рассматривалась, прежде всего, как риторическое явление и лишь на рубеже XIX-XX веков она становится объектом лингвистического исследования⁴. Так, ученики Фердинанда де Соссюра Шарль Балли и Альбер Сешез рассматривают анафору как способ указания и актуализации, и обращаются к изучению прономинальной, вербальной и адвербиальной анафоры. В своих работах К. Бюлер подробно рассматривает репрезентативную функцию языка вообще и анафорическую функцию в частности, а также вводит в научный обиход термин «катафора». Многие лингвисты, среди которых следует выделить Л. Теньера и Э. Бенвениста, занимались изучением анафоры и анафорических отношений в рамках структуралистского подхода к изучению

³ Сведения представлены на основании материалов веб-сайтов университетов www.nuu.uz, www.uzwlu.uz, www.samdchti.uz

⁴ Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М.: Эдиториал УРСС, 2001. –403 с.; Сешез А. Программа и методы теоретической лингвистики. - М.: УРСС, 2003; Бюлер К. Теория языка: Репрезентативная функция языка. М., 1993; Tesnière L. *Éléments de syntaxe structurale*. Paris: Klincksieck, 1988; Benveniste É. *Problèmes de linguistique générale*. Paris: Gallimard, 1970.

системы языка и механизмов речи, хотя при этом анафора зачастую отождествлялась со смежными явлениями, в частности субституцией.

Изучение анафорических отношений приобретает еще большую актуальность в рамках лингвистики текста, направления языкознания, сформировавшегося во II половине XX в. Обозначив текст в качестве структурного и смыслового целого, и высшей коммуникативной единицы, исследователи обращаются к изучению категорий текста, одна из которых – связность (когезия) – базируется на анафоре. Проведенные на материале французского языка работы таких лингвистов, как М. Риффатерр, Ж. Клебер, Ф. Корблин, Б. Комбетт, Ф. Корниш, А. Беррандонне, М. Шароль, Л. Лундквист, Д. Менгено, Ж.-М. Адам⁵ и др. вносят значительный вклад в дело определения анафорических единиц языка, описания анафорических отношений, установления позиционного и семантического соотношения между анафорической единицей и антецедентом.

